



Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

Ishonch

• O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri
• Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan



У ҳамкасблари билан «Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кuni» муносабати билан Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерацияси ҳамда Миллий гвардия ҳамкорлигида «Янги Ўзбекистоннинг бахтиёр болалари» шиори остида ўтказилган тадбирга Хлебушкина номидаги Меҳрибонлик уйида яшaётган 150 нафар болажонни олиб келди.

«Бир йилга татигулик байрам»

Бу Ўзбекистон касабa уюшмалари саройида Меҳрибонлик уйлари ва Болалар уйи тарбияланувчилари учун ташкил этилган тадбир иштирокчиси, 10 йиллик тарбиячи-педагог Шоҳиста Ашурованинг сўзлари.

– Байрамдан ташқари кунларда ҳам муассасамизга тез-тез хомилар келиб, болажонларни хурсанд қилиб туришади, – дейди Шоҳиста Ашурова. – Юртимизда нишонланадиган ҳар бир байрам Меҳрибонлик уйида ҳам чиройли нишонланади. Шунга қарамай, 1 июнни кичикинтойларимиз бошқача кутишади. Чунки бу кунги эътибор, ғамхўрлик ҳар доимгидан ҳам аъло бўлади-да. Мана, бугун ҳам бир йилга татигулик байрамнинг гувоҳи бўлдик. Болажонларимиз жуда ҳам хурсанд бўлишди. Бунинг учун ташкилотчиларга алоҳида раҳмат айтамыз.

Байрам тадбирида Тошкент шаҳридаги 22- ва 30-Меҳрибонлик уйи ҳамда «SOS» болалар маҳалласида тарбияланаётган 500 нафар болалар иштирок этди. Дастлаб кичикинтойларга эзулик ва ёвузлик кураши акс этган, охир-оқибат эзуликнинг ғалабаси билан тугайдиган «Супер қорасоч» мусиқали эртак премьераси ва болалар гуруҳларининг энг сара бадиий чиқишлари намоиш этилди.

Бундан ташқари, болажонлар турфа ширинликлар, салқин ичимликлар ва ажойиб тушликка таклиф қилинди.

Зебо НАМОЗОВА,
Эъзоа УМРЗОКОВА (фото),
«ISHONCH» мухбирлари



Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 3 июнь кuni худудларда туризм инфратузилмасини яхшилаш ва хорижий туристлар оқимини кўпайтириш чора-тадбирлари муҳокамаси бўйича видеосектор йиғилиши ўтказилди.



Ўзбекистон элчиси Нодир Туррунов Саудия Арабистони ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Валид ал-Хариж билан учрашди. «Дунё» ахборот агентлигининг хабар беришича, мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада жадаллаштириш, олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш ва истиқболдаги режалар муҳокама қилинди.



Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигида Қатар давлат меҳнат вазири Али бин Самих ал-Марри бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашув ўтказилди. Унда асосий эътибор Ўзбекистондан Қатарга ишчи кучини жалб этиш, уларни тайёрлаш ва уюшган тарзда юбюриш масалаларига қаратилди.



Ўзбекистон илмий-тадқиқот институтлари олимларидан иборат делегация кишлоқ хўжалигида бошқарув стратегияси ва инновацион ишланмаларни амалиётда самарали жорий этиш бўйича илгор хорижий тажрибани ўрганиш мақсадида Италияга борди.



Qatar Airways авиакомпанияси Ўзбекистонга мунтазам қатновларни йўлга қўйди. Uzbekistan Airports хабар беришича, «Доха - Тошкент - Доха» йўналиши бўйича йўловчи қатновлари ҳафтасига тўрт марта – душанба, чоршанба, жума ва якшанба кунлари «Airbus 320» самолётларида амалга оширилади.



Ўзбекистон Республикаси Президентини администрацияси хузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази директори Обид Ҳакимов бошчилигидаги делегация 27-29 май кунлари ташриф билан Британияда бўлди. «Дунё» хабарига кўра, сафар давомида Оксфорд камбағалликка қарши курашини тадқиқот маркази (Oxford Poverty and Human Development Initiative - ОРН)да Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш мавзусида илмий-амалий конференция ташкил этилди ҳамда Британия томони билан бир қатор икки томонлама учрашувлар ўтказилди.

9 176 845 сўм

МОДДИЙ ЁРДАМ ПУЛЛАРИ УНДИРИБ БЕРИЛДИ

Йилнинг ўн бир ойи мобайнида узлуксиз ишлаган кишилар навбатдаги меҳнат таътилини интиқлик билан кутишади. Қай бири саёҳатга бориш, қай бири санаторийда дам олиш, бошқаси саломатлигини тиклаш ёки тўй қилиш ниятида бўлади. Бир ойлик маош, яна шунча миқдордаги таътил пули ва даволаниш учун ажратиладиган моддий ёрдам пулининг бирданига қўлга тегиши бундай эзгу мақсадларни амалга оширишда жуда асқатади.

«Жиззах сув таъминоти» МЧЖнинг Зомин тумани филиали ходимлари Санжар Ибодов, Шавкат Абдурахмонов, Шухрат Эшонкулов, Жўмарт Қўшматов, Шаҳноза Баҳриддинова, Маҳмуд Абдураимов ҳам худди шундай орзулар билан навбатдаги меҳнат таътилига чиқишганди. Иш берувчининг 2023 йил 3 июлдаги тегишли буйруқларида уларга моддий ёрдам пули ажратиш кўрсатилганди. Бироқ негадир бу маблағлар берилмади. Ходимлар анча кутишди, фойдаси бўлмагач, Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерациясининг Жиззах вилояти кенгашига мурожаат қилишди.

Кенгаш эса 2023 йил 25 октябрда иш берувчига қонун бузилишини барта-

раф этиш хусусида тақдимнома юборди. Лекин иш берувчи уни бажаришни рад этди. Шу боис кенгаш бу сафар фуқаролик ишлари бўйича Зарбдор туманлараро судига даъво аризаси киритди. Суд уни қаноатлантирди. Натияжада, олти нафар мурожаатчига меҳнат таътили даврида даволанишлари учун жами 9 миллион 176 минг 845 сўм моддий ёрдам пули ундириб берилди.

С. МЎМИНЖОНОВ,
Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерациясининг Жиззах вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори

Қарши шаҳрида яшовчи Шаҳло Топорова иккинчи гуруҳ ногирони бўлишига қарамай, кўп йиллардан буён Вилоят молия бошқармаси (ҳозирги иқтисодиёт ва молия бошқармаси) да ишлаб келаётган эди. 2021 йилнинг октябрь ойида туғуруқ таътилига чиқишига тўғри келди.

Ҳеч бир мурожаат эътибордан четда қолмайди

2023 йил йилнинг апрель ойида иш берувчига ишга қайтишни айтди, аммо уни қабул қилишмади. Сентябрда яна бошқармага мурожаат қилди, лекин бу сафар ҳам нияти амалга ошмади. Ваҳоланки, аввалги лавозимига қайтишга унинг тўлақонли асоси бор эди.

Қонуний талаби рўйбга чиқармагач, Ш.Топорова Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерациясининг туну кун хизмат кўрсатадиган 1211 «Ишонч телефони»га мурожаат қилди.

Шундан сўнг касабa уюшмаси бу вазифани ўз зиммасига олди. Ниҳоят, мутасаддигарнинг саъй-ҳаракати билан у Вилоят иқтисодиёт ва молия бошқармасининг худудларни ривожлантириш ва инвестиция дастурларини шакллантириш ва мониторинг қилиш бўлими мутахассиси лавозимига ишга тикланди.

Шунингдек, Яқкабўғ туманидаги «Саховат» интернат уйида навбатчи ҳамшира бўлиб фаолият юритаётган Муннаввар Маҳмудова ҳам касабa уюшмасининг амалий ёрдами билан «Умид гулшани» санаторийсида бепул йўл-

ланма асосида даволангани бўлди.

Бундан ташқари, Бош прокуратура хузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши курашини департаментининг вилоят бошқармасида орастаб бўлиб ишлаб келаётган Татьяна Артамоновага жароҳлик амалиёти учун бошланғич касабa уюшма ташкилотидан 2 миллион сўм маблағ ўтказиб берилди.


Муножот НОРОВА,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабa уюшмасининг Қашқадарё вилояти кенгаши раиси

ОТА-ОНАЛАР ВА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ПЕДАГОГЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ёзги таътилда болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ўғил-қизларимизнинг мароқли ва мазмунли дам олиши учун Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш Департаменти ва худудий бошқармалари қошида штаблар ташкил этилган.

Шунингдек, мавсум давомида оромгоҳларда олиб борилаётган ишларни назорат қилиш, юзага келган муаммоларни зудлик билан бартараф этишда қуну тун фаолият юритадиган ушбу штабларга мурожаат қилиш учун қуйидаги рақамлар билан боғланишингиз мумкин бўлади.

	Республика штаб	(71) 252-10-28
1	Қорақалпоғистон Республикаси	(61) 222-55-77
2	Андижон вилояти	(74) 223-00-99
3	Бухоро вилояти	(65) 223- 69-12
4	Жиззах вилояти	(72) 226-30-51
5	Қашқадарё вилояти	(75) 225-08-84
6	Навоий вилояти	(79) 226-01-38
7	Наманган вилояти	(69) 227-27-05
8	Самарқанд вилояти	(66) 233-62-10
9	Сурхондарё вилояти	(76) 223-52-86
10	Сирдарё вилояти	(67) 225-89-29
11	Тошкент шаҳри	(55) 510- 47-48
12	Фарғона вилояти	(73) 244-09-71
13	Тошкент вилояти	(95) 324-20-23
14	Хоразм вилояти	(62) 228-79-78



Инсон қанча соғ ва саломат бўлса, ўзига шунча фойда. Бунинг учун эса кишидан кўп нарса талаб этилмайди. Шунчаки, оддий қоида ва амалларни ўзига одат қилиб олса кифоя – олам гулистон.

ЭНДИ ВОҲАДА ВЕЛОСПОРТ РИВОЖЛАНАДИ

Соғлом турмуш тарзини шакллантиришда пиёда юриш, айниқса, велосипедда ҳаракатланиш кўп фойда. Муаммо шундаки, бизда ҳали велойўлаклар у қадар кўп эмас. Борлари ҳам талабга жавоб бермайди. Шу боис велосипед кундалик ҳаётимизда деярли аҳамият касб этмайди. Парадокс ҳолат шундаки, кўп рақиб ривожланган давлатларни велосипедсиз тасаввур этиб бўлмайди. Хатто 2018 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 3 июни «Бутунжаҳон велосипед кунини» деб эълон қилди.

Хартугул шундан сўнг велотранспорт воситасига ўзимизда ҳам бошқача кўз билан қара бошланди. Барча ҳудудларда махсус велойўлаклар қуриляпти. Велоспорт мусобақаларига катта ургу берилмоқда.

Хусусан, сана муносабати билан Республика велоспорт федерацияси вилоят бошқармаси ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг вилоят кенгаши ўзаро ҳамкорликда Термиз шаҳрида спортнинг велоспорт-шоссе тури бўйича вилоят чемпионати ўтказди.

Мусобақа аввалида Велоспорт федерацияси вилоят бошқармаси раҳбари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг вилоят кенгаши раиси Абдукарим Аҳмедов сўзга чиқиб, иштирокчиларга омад тилади.
– Тадбирни ўтказишда кўзланган асосий мақсад воҳада велоспортни ривожлантириш ва одамлар соғлигини мустаҳкамлаш, – деди А.Аҳмедов.

Мусобақада турли корхона-ташкilotларда фаолият олиб бораётган 100 нафардан ортиқ ишчи-ҳодим, ҳаваскор велоспортчилар ҳамда жорий йил 23-24 май кунлари шаҳар ва туманларда ўтказилган мусобақанинг 1-босқич ғолиблари иштирок этишди.

Кизгин ва мурасасиз кечган баҳслар якунига кўра, 1-ўрин Асилбек Эргашевга, 2-ўрин Олег Старикингга ва 3-ўрин Шаҳзод Панжеевга насиб этди.

Аёллар ўртасидаги пойғаларда Гуласал Рахмоналиева 1-, Гулнара Аҳмедова 2- ҳамда Мухлиса Панжеева 3-ўринни кўлга киритди. Шунингдек, чемпионатда ғолиб иштирок этганлиги учун Мирзо Сатторов «Энг ёши улуг иштирокчи» (57 ёш), Нилуфар Комилова «Энг ёш иштирокчи» (7 ёш) номинацияси бўйича рағбатлантирилди.

Мусобақа сўнггида чемпионат ғолиблари ташкилотчиларнинг диплом ва медаллари ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

– Отам-онам спортчи. Улар менга уч ёшдан велосипед ҳайдашни ўргатган. Ёшдан ёшимдан велопойғаларда катнашман. Бу соҳада дастлаб холам мураббийлик қилган. Келажақда мен олимпиада ғолиби бўлмоқчиман. Шу боис бугунгидай чемпионатлар менга жуда ёқади. Бу менинг учинчи галабам, – деди Нилуфар Комилова.

Чори ЖУМАКУЛОВ
«ISHONCH»

ЖАРАЁН

«Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятининг Сирдарё худудий филиалида ишчи-ҳодимлар малакасини оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Айни кезларда навбатчи диспетчерлар, бригада усталари ва ишбошиларида иборат 20 кишига малакали мутахассислар сабоқ беришмоқда.



ИШЧИ-ХОДИМЛАР МАЛАКАСИ ОШИРИЛМОҚДА

– Ҳар ҳафта ана шундай гуруҳлар ўқитилиши йўлга қўйганмиз, – дейди филиал касаба уюшмаси раиси Шавкат Мирзабеков. – Тингловчилар ҳамма шартларга эга ётоқхона ва кунига уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланган. Улар бўш вақтларини кўнгилли ва мазмунли ўтказишлари учун ҳам зарур қўлайликлар муҳайё этилган.

Авваллари ишчи-ҳодимларимиз Тошкент шаҳридаги ўқув марказида малака ошириш эди. Эндиликда бундай курслар филиалимиз ҳузурда ташкил этилганидан ҳамма мамнун. Ўзбекистон Республикаси Миллий электр тармоқлари корхонасининг меҳнатни муҳофаза қилиш ходими Улугбек Холматов ўтаётган дарслар мазмун-моҳияти жиҳатидан анча қизиқарли ва ҳар томонлама фойдали бўлаётган. Амалиёт ва кўргазмаларга таянган ҳолда олиб борилаётган машғулотларда тингловчилар фаоллик кўрсатиб, билим ва малакаларини мустаҳкамлашмоқда. Шунингдек, уларга касаба уюшмаси қўмитаси ходимлари томонидан жамоа шартномасининг афзалликларини, белгиланган имтиёзлар, меҳнат муҳофазаси бўйича бажарилаётган ишлар,

ҳодимнинг иш берувчи олдидаги, иш берувчининг ҳодим олдидаги вазифалари тўғрисида тушунчалар берилмоқда. Тингловчилар дарслардан сўнг шахматшашка ва мини-футбол ўйнашлари, стол теннисида беллашишлари, ёпик сув ҳавзасида чиникишлари мумкин. Уларнинг саломатлиги доимо тиббий пункт ҳодимлари назоратида бўлади. Қайси касб эгалари ўқиш ва изланишдан тўхтамасалар, янги билим ва кўникмаларни пухта ўзлаштириб борсалар, ўша тизимда ривожланиш бўлади. Ана шунда соҳаларига доир янгиликлар ва илғор тажрибалар билан танишиб, ҳуқуқларига оид маълумотлар олган курс тингловчилари иш жойларига кўтаринки руҳда қайтмоқдалар.

Баҳор ХОЛБЕКОВА
«ISHONCH»

ЎҚУВ-СЕМИНАР

Жорий йилнинг 29-30 май кунлари Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) нинг «Ўзбекистонда муносиб меҳнатни таъминлаш учун барқарор ва ижтимоий масъулиятли бизнес амалиётини қўллаб-қувватлаш: кўп миллатли корпорациялар декларациясига ёндашув» мавзусида ўқув-семинар бўлиб ўтди. Унда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Ўзбекистон Иш берувчилар конфедерацияси ва бизнес вакиллари, шунингдек, ХМТ экспертлари иштирок этдилар. Савдо, инвестициялар ва Кўп миллатли корпорациялар (КМК) фаолияти билан боғлиқ имкониятлару муаммолар кун тартибидеги асосий масалалар қилиб белгиланди.

«ХМТ эксперти Гита Роланс савдо, инвестиция ва барқарор корхоналар орқали муносиб меҳнатга эришиш ҳақида сўз юритди. Юлия Гершишкова бир неча мавзуларга, чунончи, ХМТнинг КМКларда тадбиркорлик фаолиятини масъулиятли юритиш бўйича декларациясининг мақсади, қўллаш соҳаси ва тамойиллари, масъулиятли бизнес юритиш бўйича глобал масалалар - бизнесни ривожлантиришга қўмаклашиш бизнеснинг инклюзив иқтисодий ўсишга ва муносиб меҳнатга қўшган ҳиссаси ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билдирди.»

САВДО, ИНВЕСТИЦИЯ ВА БАРҚАРОР КОРХОНАЛАР

Улар мамлакатда муносиб меҳнатни таъминлашга ва барқарор ривожланишга хизмат қилади

Семинардан кўзланган бош мақсад масъулиятли бизнес юритиш ва адолатли ўтиш соҳаларида иштирокчилар хабардорлигини ошириш ҳамда уларнинг салоҳиятини кучайтиришдан иборат эди. Бу эса ХМТнинг КМК декларацияси, резолюция ва адолатли ўтиш йўриқномалари ўз операцияси воситалари билан қандай қилиб сибсат, мулоқот, муносиб меҳнат ва адолатли ўтишга эришиш учун ҳаракатлар ҳақида маълумот бериши мумкинлигини ўрганиш, ҳуқуқат, иш берувчилар ва касаба уюшмалари тўғрисида-тўғри инвестициялар ва савдонинг ижобий ижтимоий-иқтисодий ва атроф-муҳитга таъсирини қандай қилиб максимал даражада ошириши ва ҳар қандай тўсиқларни минималлаштириб, бартараф этиши мумкинлигини аниқлаш, инклюзив, масъулиятли ва барқарор бизнес амалиётларини тарғиб қилишда кўмаклашиш, бизнеснинг инклюзив иқтисодий ўсишга ва муносиб меҳнатга қўшган ҳиссаси ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билдирди.

ХМТ эксперти Гита Роланс савдо, инвестиция ва барқарор корхоналар орқали муносиб меҳнатга эришиш ҳақида сўз юритди. Юлия Гершишкова бир неча мавзуларга, чунончи, ХМТнинг КМКларда тадбиркорлик фаолиятини масъулиятли юритиш бўйича декларациясининг мақсади, қўллаш соҳаси ва тамойиллари, масъулиятли бизнес юритиш бўйича глобал масалалар - бизнесни ривожлантиришга қўмаклашиш, бизнеснинг инклюзив иқтисодий ўсишга ва муносиб меҳнатга қўшган ҳиссаси ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билдирди. ХМТнинг меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича техник ходими Нафрати Балит хавфсиз ва соғлом меҳнат шартларини яратишга қўмаклашишда корхоналарнинг роли - адолатли ўтишнинг асосий тамойили ҳусусида гапириб берди. Корхоналарни ривожлантириш ва яшил иш ўринлари, муносиб меҳнатни қўллаб-қувватлаш бўлими ҳамда ХМТнинг Шаркий Европа ва Марказий Осиё бўйича бюроси иш берувчилар фаолияти юзасидан Муносиб меҳнатни техник қўллаб-қувватлаш бўлими катта мутахассиси Владо Чурович муносиб меҳнат ва адолатли ўтиш учун миллий устуворликларга ҳисса қўшишда хусусий секторнинг роли бўйича уч томонлама ҳамкорлар ҳамда бизнес вакиллари билан ҳулосалар ва муҳокамаларни сарҳисоб қилди.



Юртимизда 2017 йилдан буюн бозор иқтисодиётига ўтиш ва ижтимоий ривожланишга йўналтирилган турли иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар амалга оширилмоқда. 2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва хусусийлаштириш, инвестиция муҳитини яхшилаш, шунингдек, таълим ва касбий тайёргарликни ривожлантириш, бандлик имкониятларини кенгайтириш ва малака ошириш каби устувор ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қаратилган. Инвестицияларни рағбатлантириш агентлиги ташкил этилиши мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий ва экологик манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни (ТПИ) жалб этиш ва хорижий инвесторлар учун қўлай шарт-шароитлар яратишга интилишини билдиради.

Ўзбекистонда яшил иқтисодиётга ўтиш бўйича Республика стратегияси доирасида кам угле-

мўҳим аҳамиятга эга жамоавий ишларнинг гуруҳ тақдимотларини ташкиллаштиришди. Уч томонлама ҳамкорлар бизнеснинг масъулиятли ҳуқ-атворини, хусусий секторнинг инклюзив иқтисодий ўсишни таъминлашдаги ролини ва адолатли ўтишни таъминлаш масалаларини муҳокама қилиб, Ўзбекистонда муносиб меҳнат ва барқарор ривожланиш устуворликларига савдо, инвестиция ва барқарор корхоналар ҳиссасини қўшишга қаратилган «Йўл харитаси» лойиҳасини ишлаб чиқдилар.

ХМТнинг Шаркий Европа ва Марказий Осиё бўйича бюроси иш берувчилар фаолияти юзасидан Муносиб меҳнатни техник қўллаб-қувватлаш бўлими катта мутахассиси Владо Чурович муносиб меҳнат ва адолатли ўтиш учун миллий устуворликларга ҳисса қўшишда хусусий секторнинг роли бўйича уч томонлама ҳамкорлар ҳамда бизнес вакиллари билан ҳулосалар ва муҳокамаларни сарҳисоб қилди.

Юртимизда 2017 йилдан буюн бозор иқтисодиётига ўтиш ва ижтимоий ривожланишга йўналтирилган турли иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар амалга оширилмоқда. 2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва хусусийлаштириш, инвестиция муҳитини яхшилаш, шунингдек, таълим ва касбий тайёргарликни ривожлантириш, бандлик имкониятларини кенгайтириш ва малака ошириш каби устувор ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қаратилган. Инвестицияларни рағбатлантириш агентлиги ташкил этилиши мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий ва экологик манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни (ТПИ) жалб этиш ва хорижий инвесторлар учун қўлай шарт-шароитлар яратишга интилишини билдиради.

Ўзбекистонда яшил иқтисодиётга ўтиш бўйича Республика стратегияси доирасида кам угле-

родли иқтисодиётга ўтиш, яшил иш ўринлари яратишни рағбатлантириш, ҳодимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, яшил технологияларни ривожлантиришда корхоналарни қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бизнес, савдо ва инвестициялар юқоридаги ижтимоий-иқтисодий ва экологик устуворликларга эришишга ёрдам бериши билан бирга, айрим кийинчиларни келтириб чиқариши ҳам мумкин. Шу нуқтани назардан, Ўзбекистон учун иқтисодий ҳамда ижтимоий тараққиётга хизмат қилувчи масъулиятли ва сифатли инвестицияларни жалб этиш ниҳоятда муҳим саналади. Бу тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва савдо бўйича давлат сибсати ижтимоий мулоқотга асосланишини, шунингдек, меҳнатда асосий тамойиллар ва ҳуқуқлар амалга оширилишини, муносиб меҳнат шартларини яратишни кафолатлашни талаб қилади.

ХМТнинг Кўпмиллатли корхоналар ва ижтимоий сибсатга оид тамойилларнинг (КМК декларацияси) тўғридан-тўғри инвестициялар ва миллий корхоналар сибсати рағбатлантириш потенциалларини, чунончи, капитал, технология ва ишчи кучидан самаралироқ фойдаланишга ҳисса қўшиш, шунингдек, бу борадаги ишлар ушбу имтиёزلарни таъминлаш учун тегишли чоралар зарурлигини таъкидлайди. Бу ХМТнинг ягона ҳужжати бўлиб, ҳуқуқатлар, иш берувчилар ва касаба уюшмалари, барча ҳажмдаги кўп миллатли ва миллий корхоналар учун тўғридан-тўғри тавсияларни ўз ичига олади. Декларация тавсияларидан ҳар қандай салбий таъсирларни минималлаштириш ва бартараф этишдан ташқари, муносиб меҳнатни таъминлаш учун бизнес, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва савдонинг ижобий ижтимоий ва меҳнат таъсирини рағбатлантиришга қаратилган хилит ёндашувини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

2023 йили Халқаро меҳнат конференцияси барча учун барқарор иқтисодиётга адолатли ўтиш тўғрисидаги резолюцияни қабул қилди. Бу эса КМК декларациясининг инклюзив ҳамда барқарор савдо ва инвестиция тизимлари, қиймат занжирлари ва таъминот занжирларини ривожлантириш учун муҳимлигини таъкидлайди. Қарорда адолатли ўтиш зарурлигига ургу берилган ва унга эришиш тамойиллари белгилаб қўйилган. Бунда ХМТнинг экологик барқарор иқтисодиётга ва жамиятга адолатли ўтиш бўйича кўрсатмалари умумий манфаатлар асосида глобал сибсатни ишлаб чиқишда асосий ҳужжат вазифасини ўтайди.

Ноира ҒОИБНАЗАРОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси аппаратининг Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири

ТАРАДДУД

Ўқув йили поёнига етиб, дам олиш мавсуми бошланди. Мавсумни кўнгилдагидек ўтказиш мақсадида тасарруфдаги оромгоҳлар шай ҳолатга келтирилди.

Эллиқалъа туманидаги «Орол болалари» дам олиш масканида айни масала юзасидан ўқув-семинар ташкил этилди. Унда худудий комиссия аъзолари, тармоқ кўмита кенгаши раислари, ҳоким ўринбосарлари, вазирилик, бошқарма, ташкилот, оромгоҳ раҳбарлари ҳамда катта тарбиячилар иштирок этишди.

Тадбир асноси Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон кенгаши раиси ўринбосари М.Данияров, Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти бошқарма бошлиғи С.Утеулиев сўзга чиқиб, болаларнинг хавфсиз дам олишини таъминлашга оид қоида ва меъёрлар юзасидан ўз тавсия ва мулоҳазаларини билдириб ўтдилар.

Шунингдек, ўтган мавсумдаги ишлар сарҳисоб қилинди, йўл қўйилган камчиликлар муҳокамаси ўлароқ вазифалар белгилаб олинди.

Фотима АБДУРАИМОВА
«ISHONCH»

ЙИҒИЛИШ

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши қошида Ёшлар бирлашмаси ташкил этиш юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди.



ЯНГИ БИРЛАШМА ТУЗИЛДИ

Тадбир асноси Ёшлар бирлашмаси тузилди. Шу куннинг ўзида унга раис ва раёсати аъзолари сайланди.

Очлик ва шаффоқлик тамойиллари асосида ўтказилган анжуманда Муштарийбону Холиёровага раислик мақоми берилди. Ушбу бирлашмани тузишдан кўзланган асосий мақсад - ёшларнинг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни касаба уюшмалари фаолиятига кенг жалб этиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш орқали ўз истеъдод ва иқтидорларини намойиш этишлари учун имкониятлар яратиб беришдан иборат.

Унинг фаолияти амалдаги қонун ҳужжатлар, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг устави, қурултойи, Республика кенгашининг раёсат қарорлари ҳамда Низоми асосида амалга оширилади.

Ўз муҳбиримиз

МУШОҲАДА

«Ҳоким академияси» ҳақида кенг жамоатчилик чуқур тасаввурга эга бўлма-са-да, мавзу маориф вакиллари, хусусан, андижонлик мактаб ўқитувчилари ва ўқувчиларига жуда яхши таниш. Мазкур онлайн платформа 2022 йилнинг сентябрь ойида маҳаллий ҳокимлик ташаббуси билан ишга туширилган, тақдироти асбосаю дабада билан ўтказилиб, барча таълим муассасалари яқиндан таништирилган, ижтимоий тармоқлар ва маҳаллий телеканалларда эса янгилик хусусида яхшигина бонг урилганди. Ҳўш, бу қандай лойиҳа ўзи? Қай тартибда ишлайди? Ўзи умуман «Ҳоким академияси» нима мақсадда ташкил этилган?



Ҳоким академияси

ХАЙРЛИ ТАШАББУС НЕГА КУРТАК ЁЗМАЙ БАРБОД БЎЛДИ?

Биласизки, таълим тизимидаги умумий натижалар билан ҳеч мактан-гулик ҳолимиз йўқ, мактабларда дарс бераётган аксар ўқитувчиларда билим ва тажриба етарли эмаслиги бот-бот гапирилади. Хусусан, бундай муам-лолар неча йилларки Андижон вилояти маориф тизимида ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Биргина мактаб битирув-чиларининг олий таълим муассасала-рига тест топшириш жараёнида тўпла-ётган баллари миқдори умумий аҳо-лимизга кўзга татиб турибди. Узокка бормасдан, 2023 йилги ОТМга кириш имтиҳонлари натижаларини бир эслай-лик: абитуриентларнинг салкам ярми, яъни 49,4 фоизи ўттиз баллининг энг кўйи чегараси ҳисобланган 56,7 бал-лини ҳам тўплай олмаган, бу борада Ан-дижон вилояти ҳудудлар кесимида энг ёмон кўрсаткичи қайд этганди. Бун-дан аввалги йилларда ҳам кўрсаткичлар айни ҳолатдан у қадар катта фарқ қил-ма-ган. Демакки, ахвол ноҳиятда жиддий.

Шундай бир вазиятда Андижон вило-яти ҳокимлиги мутасаддиларида ўқувчиларнинг чуқурроқ билим олиш-ларига шарт-шароит яратиш мақса-дида халқ таълими тизимига «ёрдамчи куч» - юқоридоги платформани ишлаб чиқиш гоёси тугилиди. Вилоят маркази-даги «Digital City» мажмуасида - бир МЧЖ қошида ушбу янгилик ҳаётга та-тиб қилинди. Унга ўқув марказларида репетиторлик билан шуғулланаётган, яхши билимга эга ва замонавий ўқитиш методикаларини қўлдан кўчирган 20 нафар ўқитувчи катта иш ҳақи эвазига ёлланади. Бу борадаги барча харажат-лари ҳокимлик маблағлари ҳисобидан қоплаш режалаштирилди.

Шу тариха тўрт йўналишда - Пре-зидент мактабига кириш истагидаги ўқувчилар, абитуриентлар, чет тилини ўрганиш иштирокидаги ёшлар ҳамда ўз малакасини ошириш мақсадидаги ўқи-тувчиларга мўлжалланган платформа иш бошлади. Мазкур дарсларда ма-софадан туриб қатнашишлари учун деярли барча мактабларга талабгор-ларнинг рўйхатида мос равишда лог-ин-пароль тарқатилдики, тарғибот натижасида лойиҳа қисқа фурсатда 40 мингдан зиёд ўқувчилар ва ўқитув-чиларни қамраб олади. Деярли барча мактаблар интернетга уланган эмасми, қатнашчиларнинг оилави машғул-ларда иштироки борасида деярли му-аммо кузатилмади. Хуллас, жуда кўп ёшлар дарсдан кейинги тўғараклар вақтида ёки уйдан туриб онлайн сабоқ ола бошлашди.

Парчи нони андак баянлардан бўлса-да, «Ҳоким академияси» бар-чага бирдай маълум келганлигини ўзига яраша сабаблари бор. Яши-ришининг кераги йўқ, бугун «мактабда олинган билимнинг ўзи билангина

Вилоят ҳокимининг феълү тутуми жамоатчиликка яхши маълум: қаергаки қадам ранжиди қилса, шароити андак ночорлигини айтган кишилардан тортиб ўқувчилару бирор ташкилотнинг тўрт мисра шеър ўқиб берган ходимиға ҳам қимматбахо совға-салом улашиб юрадиган одати бор. Камига меҳри жўшиб кетса, футболчиларга қарата «хоҳлаган машинани танла!» дейдиган, дорбозға ҳам, фермерға ҳам, борингки, «Пахта терим келяпти, «Равон» мингим келяпти» дея «шиғир» ўқиган шоири давронға ҳам яп-яниги автоулов ҳадя қилиб юборадиган хотамтой ҳам айнан Шухрат Абдурахмонов бўлади.

тестдан муваффақиятли ўтиб, талаба бўлдим» деган йигит-қизлар бармоқ билан санокчи. Теварак-атрофдаги ўқув марказларида фаолият кўрсатаётган репетиторларнинг «бозори чаккон»-лигиёқ бу фикрга исбот. Яхши репети-торнинг машғулоти учун эса соа-тига фалон пул тўлаш керак. Болала-рига бундай имконият яратиш беришини ҳамма ота-онанинг ҳам чўнтағи кўтара-вермайди. Қолаверса, бошланғич синф ўқувчиларини «Президент мактаб-лари»га имтиҳонга тайёрлаш хизматини тақриф қилаётган марказлар ва уларга интилаётган ўғил-қизлар кун сайин кўпаймоқдаки, бу ҳам жамоатчилик он-гида давлат мактаблари томонидан бе-рилаётган умумий таълим билан ай-ни турдаги муассасаларга ўқишга кириш дарғумон, деган фикрни тобора му-стаҳкамлаётди.

Шу маънода «Ҳоким академияси» юқоридоги каби эҳтиёжларни қисман бўлса-да қондираётганди, платформа-дан иқтисодий имконияти бадастир ои-лаларнинг ҳам, қўли юпқароқ ота-о-наларнинг болалари ҳам бирдай бепул фойдаланаётган эди. Айниқса, вилоят-нинг олис кишлоқларидаги ўқувчи ва ўқитувчиларга-да ҳар жихатдан фой-дали бўлаётганди.

Хуллас, академия жамоаси қи-зиканларга билим бераётганди. Бир-ок шундай ўзига хос ташаббус бир ўқув иили давомидагина фаолият кўрсатди - 2023 йилнинг ёз ойла-рига етиб-етмай машғулотлар тўхтаб қолди. Салкам ўн ойдан буён плат-форманинг ижтимоий тармоқдаги са-ҳифалари ҳам юрилимаётди. Худуд-даги пашадайд ютқини филдай кўрс-атишга одатланган вилоят ҳокимлиги матбуоти хизмати ҳам ижтимоий тар-моқдаги саҳифаларида академия фа-олияти ҳақида анча вақтлардан буён «Ҳоким академияси»нинг ташки-лий-техник жихатларига масъул му-

тасаддиларга кўра, платформага даст-лаб аъзо бўлганлар эски видеолар-ларни такрор томоша қилишларига монелик йўқ. Аммо янги ўқувчилар ва абитуриентлар (бу йилги битирув-чилар)га логин-пароль берилмаёт-ганлиги ва фаолиятнинг тўхтаб қол-ганлиги рост. Буни аввалига 10 минг аъзога мўлжалланган платформага 42 минг киши жалб этилгач, тех-ник имкониятлар орқича юкломани кўтара олмаганлиги билан изохлаш-моқда. Яна қайд этишларича, айни пайтда дастурлар лойиҳани тақо-миллаштириш устида ишлашмоқда, платформага сунъий интеллект им-кониятлари қўшилмоқда, шунга монанд равишда дастурлаш тили ҳам тўлиқ ўзгаряпти. Қолаверса, 100 минг нафар ўқувчи ва ўқитувчилар фойдаланиши мумкин бўлган имкониятлар яратил-моқда. Қисқаса, шу каби жихатлар са-баб лойиҳа фаолият юрилмаётди.

Индаллосини айтганда, масъул-ларнинг «юқоридоги вазифа-лар хал этилгач, лойиҳа давом этади» қабилидаги гапларига ишон-чдан кўра, илнж кўпроқ. Чунки су-риштирувларимизга кўра «Ҳоким академияси» молиялаштириш билан боғлиқ муаммоларга дуч келган. Юқо-рида қайд этилган техник-технологик янгилиниш жараёнларининг бир йил-дан буён якунига етмаётганлиги ҳам, машғулот ўтаётган ўқитувчилар жа-моаси фаолиятининг тўхтатилгани ҳам маблагга бориб тақалмоқда.

Аслида, йил ўтмай иқтисодий муаммонинг юзага келиши аввал-бошданқо маълум эди. Сабаби ушбу лойиҳага тааллуқли иш ҳақи ва бошқа техник юмшларнинг доимий хара-жатлари айнан битта хомий (корхона) га оғирлик қилади. Зарур маблаг миқ-дори эса бир ойда тахминан 200-300 миллион сўмни ташкил этади. Шун-дай экан, платформа фаолиятини тўх-татмаслик учун бошқа молиявий ман-

баларни ҳам излаб топиш керакдай. Масала пулга бориб тақалар экан, муаммонинг ечимини маҳаллий бюд-жетга боғлаш фикридан йироқми. Ўзи шундоқ ҳам бюджет тақчиллиги давом этаётган бир шартда сўз бо-раётган лойиҳанинг солиқ тўловчи-лар зиммасига юкланиши бориб тур-ган мантисизлик.

Уш, қандай йўл тутган маъқул? Вилоят ҳокимининг феълү тутуми жамоатчиликка яхши маълум: қаер-гаки қадам ранжиди қилса, шароити андак ночорлигини айтган кишилар-дан тортиб ўқувчилару бирор ташки-лотнинг тўрт мисра шеър ўқиб берган ходимиға ҳам қимматбахо совға-са-лом улашиб юрадиган одати бор. Ка-мига меҳри жўшиб кетса, футболчи-ларга қарата «хоҳлаган машинани танла!» дейдиган, дорбозға ҳам, фер-мерға ҳам, борингки, «Пахта терим келяпти, «Равон» мингим келяпти» дея «шиғир» ўқиган шоири давронға ҳам яп-яниги автоулов ҳадя қилиб юбо-радиган хотамтой ҳам айнан Шухрат Абдурахмонов бўлади.

Бундай совға-саломлар, одатда, асосан хомийлик маблағлари ҳисобига шаклланади. Сирасини айтганда, бировга атаб қўйган (атамоқчи бўлган) ҳадясини эгасига ҳокимнинг қўли билан тутқазишга иштиёқманд саҳий тадбиркорлар ҳам йўқ эмас. Шундай экан, дуч кел-ганга Қорбобо мисоли совға тарка-тавермай, ўз истаги билан хизматга шай турган хомийларнинг маблағла-рини шу ҳудуд болаларининг яхши-роқ илм олишини қўллаб-қувватлаш учун юқоридоги лойиҳага йўналти-риш мумкинми? Аббатта!

Нима, бугун бошли вилоятда бор-йўғи 20 нафар ўқитувчининг плат-форма билан боғлиқ харажатларни қоплайдиган ишбилармонлар йўқми? Ахир бугунги кун тадбиркор-лари, Чўлпон бобо ўз замонасининг айрим бойларидан ёзғирани каби, «миллат йўлига бир ака ажратмай-диган жоҳил» эмас - ораларида ма-рифатли, зиёли, яхши ташаббусларга қайишадиганлари кўп. Фақат уларни мана шу эъзу ишга даъват этилса ки-фо. Балки элпайман деган бирор та-дбиркор ўз инвестициясини шу ишга йўналтириб, лойиҳани ўзини ўзи қоп-лайдиган даражага келтирар. Чунки айни масаланинг ташкилий жихатла-рига масъуллар, платформага аъзолар сони 40 мингдан ошгач, видеоларлар орасига ўқувчиларнинг ёши ва руҳи-ятига мос, тарбиясига эил келмайдиган, айтайлик, кўлиблар, турли ўқув қуроллари, мактаб сумкалари ва ҳо-казо махсулотларнинг оилави рекла-масини жойлаштириш орқали пул ишлаш мумкинлигини ҳам таъкид-лашмоқда.

Биласиз, худудда турли соҳаларда жорий этилаётган бирор янгиликни ҳали ҳаётга тўла таътиб этмай туриб «Андижон тажрибаси» дея тарғиб қи-лиш урфа қирган. Салкам ўттиз йил аввал Андижонда яратилган чигитни плёнқа остига экиш усули ҳамда яқин ўтмишда аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қоплаш билан боғлиқ са-нобли муваффақиятли лойиҳаларни ҳисобга олмаганда, қолган «тажри-балар»нинг ақсарияти ўзини оқлама-гани вақт ўтгач кўзга ташланиб қол-япти. Аммо айнан «Ҳоким академия-си» номли лойиҳа, юқоридоғилардан фарқли равишда, юрт болаларининг келажакига хизмат қилиши мумкин бўл-ган ташаббус сифатида кўпларда умид уйғотганди. Шундай экан, барча мак-таблар бир хилда сифатли таълим бе-радиган даражага етиб келмагича ҳокимлик ўзи бошлаган хайрли юмш ижросини ярим йўлда ташлаб кетмас-лиги даркор. Бунинг учун ушбу маса-лага дахлдор мулозимлар мавзуни ви-лоят раҳбариятига тез-тез эслатиб ту-ришлари керак.

Нурилло НЎЪМОНОВ
«ISHONCH»

Марказий Осиё давлатлари, жум-ладан, мамлакатимиздаги ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос этногра-фик нақш турлари ва ранглари мавжуд. Илимий ва гирих услу-бидаги қуш ва ҳайвонлар рамз-лари акс этган нақшларнинг ҳар бири ўзига хос мазмунга эга. Са-марқанд, Фарғона, Хива нақш мак-таблари ва йўналишлари бир-би-ридан фарқ қилади. Айтайлик, Хива нақшошлик мактабидо эле-ментларидаги нафис сержило сим-метрик чиқиқлар, феруза, мовий рангга кўпроқ урғу берилиши би-лан бошқа мактаблардан тубдан ажралиб туради.

Аҳамиятли жиҳати, миллий нақшлар фарзанд тарбиясида яқиндан ёрдам беради. Шу боис нақшларнинг мактаб-лар, боғчалар ва жамоат жойларида янада кенгроқ тарғиб қилишимиз лозим. Нақшлар-нимиз ҳар бир хонадонга, маиший турмуш тарзимизга кириб бурса айни мудио. Дарс-ликларда бадиий безак сифатида кўпроқ на-фис нақшларимиздан фойдаланилса, ёш ав-лодни миллий қадриятлар руҳида тарбияла-шимизга хизмат қилади. Тасвирий санъат дарсларида ўқувчилар ўхшатса-ўхшатмаса нақш намуналарини чиқишлари керак. Бола нақш мазмунини тушунмаслиги мумкин, аммо нақшлар унинг фикрини жамлашига, эҳси ортишга ёрдам беради. Ўзи англа-маган ҳолда қалбидо гўзал туйғулар жўш уради. У ўзини қай миллат фарзанди экан-лигини чуқур англаб боради. Бугунги инте-грациалаш замонида миллий ўзлигини ан-глаб қолиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Келажак авлодни ватанпарвар, миллатпар-вар қилиб тарбиялаш учун барча воситалар-дан самарали фойдаланиш зарур. Миллий нақшларимиз айнан шундай воситалардан бири саналади. Уларда халқчиллик, эзгулик мазмун яширилган. Булар улғаяётган бола руҳиятига ижодий таъсир қилади. Фахр ва ифтихор, дахлдорлик туйғуларини шакллан-тиради.

Бугунги кунда айрим ёшларда руҳий инқи-роз кузатилаётгани сир эмас. Сал нарасага аса-бийлашши, жиизакилик, зарарли одатларга ружу қўйиш, катталарга беҳурматлик... Булар келтиридан оқибатларнинг олдини олишда болаларни санъатга ошно қилишнинг аҳа-мияти катта. Болалар миллий нақшларимизни чиқиш билан шуғуллансалар сабри бўлишини ўрганадилар, кунт шаклланади, ижодий фи-қрлашни ўрганади. Асосийси, ҳар қандай ва-зиятда қайси миллатга мансублигини ёлда ту-тади. Бу эса уни миллат тараққиётига ҳисса қўишига ундайди.

Ҳасанбой ОТАЖОНОВ,
Турпоққалъа туманидаги 6-болалар
музыка ва санъат мактабинини
«Тасвирий санъат» ўқитувчиси,
мактаб бошланғич касабта уюшма
қўмитаси раиси

Эълон

Янгиёул туманидаги «RASHIDOV NOMIDAGI TOSHKENT XALQARO UNIVERSITETI» МСҲ-нинг думалоқ муҳри ва тўртбурчакли штампидо йўқоқлиги сабабли бекор қилинади.

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Кичик бизнесга молиявий кўмаклашиш, истиқболли лойиҳаларнинг ҳаётга таътиб этилишини қўллаб-қувватлаш - янги иш ўринлари яратилиши билан бирга тадбиркорликнинг ривожига замин бўлади. 2023 йил 14 сентябрда Президентнинг «Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларни янги бошқача олиб чиқди. Унда кичик бизнеснинг узлуксиз занжирини яратишда «Бизнесни ривожлантириш банки» АТБ таянч банк деб белгиланган. Қарор асосида «Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш» комплекс дастури ҳам қабул қилинган.



Йил давомида тадбиркорлик субъектларига 1 427,1 млрд. сўм кредитлар ажратилган. Шундан 1 170,1 млрд. сўм миллий валютада бўлса, 256,9 млрд. сўм хорижий валютададир.

Кичик бизнесга САМАРБАСТА БЎЛИБ...



Миллий матбуот марказида мазкур қарор ва дастурнинг ижросига бағишланган «Кичик бизнес ривожу учун сармоялар» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Амалга оширилган ишлар юзасидан Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш департаменти директори Фаррух Норбеков ва Бош менежер Шерзод Омонов сўзга чиқди.

Банк хузурида молия институтларининг ҳамда хусусий инвестициялар маблағлари ҳисобига «Кичик бизнесни ривожлантириш жамғармаси» МЧЖ тузилган. Жамғарма маблағлари истиқболли кичик бизнес лойиҳаларига йўналтирилади. Имтиёзли кредитлар эса комиссия орқали сараланган, тадбиркорликда маълум тажрибага эга, зарур бизнес билимлар олган кишиларга берилди. Талабгорлар ўзларининг бизнес соҳасидаги билимларини қисқа муддатли курсларда ошириб, тест имтиҳонлардан ўтсагина кредит олишга сертификат бери-

лади. Бундай ёндашув ажратилаётган маблагдан оқилона фойдаланиш ва бизнеснинг натижадорлигини таъминлаш учундир.

Шу мақсадда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида кичик тадбиркорлик субъектларига бизнес лойиҳаларини ишлаб чиқиш, молиялаштириш ва амалиётга таътиб этилишига кўмаклашиш, уларга консалтинг хизматларини кўрсатишга ихтисослашган 14 та кичик бизнесга кўмаклашиш марказлари ташкил этилди. Марказлар фаолияти бепуллиги билан аҳамиятли.

Кичик бизнеснинг узлуксиз занжирини яратишда Бизнес портал ишга туширилиб, тегишли идоралар ахборот тизимлари базаларига интеграция қилинди. Ҳозирда ушбу электрон портал орқали миқозларга онлайн молиявий ва консултьатив хизмат кўрсатишмоқда.

Бугунги кунда банк томонидан тадбиркорлик субъектлари учун 30 турдан орт-тиқ кредит махсулотлари тақриф қилинмоқда. Жорий йилнинг 1 май ҳолатига кўра тадбиркорлик субъектларига ажратилган жами кредитлар 10,5 трлн. сўмни (жами порт-фелдаги улуши - 50,2 фоиз) ташкил этмоқда.

Йил давомида тадбиркорлик субъектларига 1 427,1 млрд. сўм кредитлар ажратилган. Шундан 1 170,1 млрд. сўм миллий валютада бўлса,

256,9 млрд. сўм хорижий валютададир.

Кичик бизнес субъектлари бўлган турли йўналишдаги юридик шахслар банкдан олган маблағларни ўз фаолиятларига йўналтириб, янги иш ўринларини очмоқда. Натижада жорий йил давомида 19 740 та янги иш ўрни яратилди.

Шунингдек, банк доимий миқозлари учун 3 турдаги ноқредит молиявий инструментлари жорий қилинди. Молия муассасаси ўз хизмат турларини кенгайтириб, 20 турдаги банк хизматларини бирлаштирган ҳолда пакетлар («Бизнесга биринчи қадам», «Бизнесга кўмак», «Бизнес прайм» ва «Бизнес VIP») ишлаб чиқиб, амалиётга жорий қилди. Бу қўшимча хизматлар миқозлар учун қатор қўлайликлар яратди.

Ҳозирда молиявий инструментларнинг ор-тиши, хизмат турларининг кўпайиши ҳамда аҳолига яратилаётган енгилликлар сабаб банкнинг миқозлари 3 баробарга ошиб, жами 16 004 нафарни ташкил қилмоқда.

Анжуман сўнгида банк мутасаддилари журналистларни қизиқтирган савол-жавобларга етарича жавоб беришди.

Умида
ХУДОЙБЕРГАНОВА
«ISHONCH»



Хоразм «Лазги»си:

АРИХ, ЗАМОН ВА ҚАЛБ ФАЛСАФАСИ

Хоразм «Лазги» туркуми нафақат ўзбекларнинг, балки дунё халқларининг меҳрини қозонган гўзал рақс, сирли муסיқа ва сеҳрли сўзга вобаста муаззам асардир.

«Лазги»нинг ҳаётбахш, жозибали кучи, инсон кайфияти ва руҳиятини кўтаргувчи сеҳри ҳақиқий мўъжиза эканига ишонамиз. У дунё саҳналарини, турли тилда сўзлагувчи одамларни бир-бирига яқинлаштиргувчи рақс илдизидан ўсиб, улканлашиб, улғувор Ўзбекистонимизнинг бир бўлагига, Хива осмонининг энг ёруғ ва ёркин юлдузига айланиб кетган.

Шунинг учун бўлса керак, 2019 йил 12 декабрда ЮНЕСКОнинг Номодий мероси асраш ҳуқуқматларига кўмитаси «Лазги»ни Инсоният номодий мероси Репрезентатив рўйхатига киритилишини овоз бермасдан маъқулади. Шу муносабат билан 2020 йил 28 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Лазги» халқаро кўрсаткичи фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унга биноан ҳар икки йилда бир марта Хоразмнинг Хива шаҳрида «Лазги» фестивали ва унинг доирасида халқаро илмий-амалий конференция ўтказиш белгиланган.

Биринчи фестиваль ва конференция 2022 йилда юқори савияда ўтказилган. Унда 30 та хорижий давлат қатнашган бўлса, жорий йилнинг 25-30 апрель кунлари бўлиб ўтган иккинчи фестивалда қирққа яқин давлат вакиллари иштирок этишди.

Бу йилги «Хоразм «Лазги» рақси»: маданий дипломатияни ривожлантиришнинг илмий-назарий, маънавий-маърифий тамойиллари» мавзусидаги II Халқаро илмий-амалий конференцияда дунёнинг кўп қисми давлатларидан олимлар, санъатшунослар, хореографлар, ёш тадқиқотчилар жам бўлишди. Анжуман доирасида Ўзбекистон давлат хореография академияси профессор-ўқитувчилари томонидан яратилган «Лазги» рақси тарихи ва тадқиқотига оид китоблар кўргазмаси ташкил қилинди. Анжуманда Япония, Америка, Хиндистон, Туркия, Эрон, Россия, Қозғистон, Миср, Бразилия, Германия ва Озарбайжон каби давлатлардан тадқиқотчилар иштирок этишди.

Ялпи мажлисда ТУРКСОЙ халқаро туркий маданият ташкилоти раиси Султонбек Раев, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири, Ўзбекистон, Қорақалпоғистон ва Тожикистон халқ артисти, профессор Озодбек Назарбеков, Тожикистон Республикаси Маданият вазирининг биринчи ўринбосари Обид Назарий, Хоразм вилояти ҳокими ўринбосари Ботир Саидов, Қозғистон давлат хореография академияси ректори, профессор Бибигул Нусилжоновна, Ўзбекистон давлат хореография академияси Урганч филиали профессори, Ўзбекистон халқ артисти Гаваҳархоним Матёқубовалар ўз маърузаларида ўзбек маданияти ва санъатининг жаҳон тамаддунида тутган ўрни, ўзбек миллий рақс санъатининг қадимий илдизлари, бадий-эстетик, маънавий-маърифий хусусиятлари, маданий дипломатия сифатидаги нуфузини алоҳида таъкидлашди. Ушбу фестивал доирасида рақс санъатини янада ривожлантиришга доир катор фикрлар, тақлифлар билдирилди.

Президентимизнинг «Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан таъкидланганидек, «Кўп асрлик бой ва бетакрор маданиятимизнинг ажралмас қисми бўлган миллий рақс санъатининг халқимиз маънавияти, бадий-эстетик қарашларини юксалтириш, ёш авлодни миллий қадрият ва анъаналаримизга ҳурмат, Ватанга муҳаббат

ва садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда». Бу эса соҳа вакилларида миллий рақсимизни кенг тарғиб қилиш, ёш авлод қалбида унга муҳаббатни оширишга доир чораларни кўришни тақозо қилади.

Шуни айтиш жоизки, ижтимоий зиддиятлар, ўзаро урушлар, турли табиий офатлар натижасида халқ ижодий меҳнати ва заковати билан узок асрлар давомида яратилган моддий ва маданий бойликлари, илмий кашфиётлар, бебаҳо санъат асарлари бирда йўқолиб, бирда тикланиб бораверади. Лекин тарихда йўқотишлар кўпроқ бўлган.

Тарих қаҳрида бир вақтлар инсон руҳига куч-қувват, эстетик ором ва шодлик ҳада этган санъат асарлари, раққосалар ва созандаларнинг нузли излари ҳам яшириниб ётибди. Қадим қалъалардан топила турракотларда созандалар, раққосалар ва муסיқа асбобларининг суратлари мавжуд. Мохир музавирлар қадимий сарой деворларида ёки буюмларга ўзлари яшаган даврининг турли тантанга ва қабул маросимларини, тўй-базмларини, раққосаларнинг маълум бир рақс харақатларини, кўча томошаларини ранг-баранг бўёқларда тасвирлаб, келажак авлодларга қолдирганлар.

«Авесто» маросимларида ифодаланган харақатларнинг рақс элементлари билан муштарак эканлиги «Лазги»нинг ниҳоятда қадимийлигидан далолат беради. Зардуштийлар замонида аёллар томонидан давра бўлиб, урма чоғлар, яъни доира ва даф чалинган. «Лазги» рақсида қадим Хоразм санъати, унинг ҳаётсеварлик тамойиллари юксак маҳорат ва завқ билан тараннум этилган. Зардуштийликда маросим қўшиқлари ва рақслари орқали энг олий инсоний сифатларни ўзларида мужассамлаштирган одамлар фарзланган. Шу нуқтаи назардан «Лазги»ни ҳаётсеварликни улғуловчи, тарғиб этувчи шараф ва гўзаллик рақси дейиш мумкин. Турли миллатларни бир даврага жам қилувчи, уларни бирлаштирувчи асос ҳаётсеварликдир, муҳаббатдир. «Лазги» ўзининг шундай мўъжизага эгаллиги билан ажралиб туради.

Агар эътибор билан «Лазги»ни кузатсак, у оддий кўнгилочар рақс эмас, балки инсон тафаккури ва қалб тугёнларининг меваси сифатида, унинг дунёни англаши ва теварак-атрофидаги миллий-маданий муҳит таъсирини дақиқ хис-туйғуларини ўз харақатлари орқали ифода шайх эҳтиёжи натижасида юзага келган нафосат фалсафасидир. Кейинги юз йилликлар даврида жамятининг шиддат билан тараккий этиши миллий рақс санъатига ҳам ўз таъсирини ўтказди.

Хоразм «Лазги» туркуми қадим қалъалар маҳобатини, ота макон тарихини, муҳаббатнинг орзу-армонларини ўзида жо қилган тўқкиз мустақил рақсдан иборат. «Масхарабоз Лазгиси», «Қайроқ Лазгиси», «Дутор Лазгиси», «Сурнай Лазгиси», «Сарой Лазгиси», «Чангак Лазгиси», «Хива Лазгиси», «Гармон Лазгиси», «Хоразм Лазгиси» каби бир-бирини тақролламайдиган тўқкиз

муҳташам асар ватанимиз тупроғининг нақадар улуг ва муқаддаслигини, миллий рақс санъатимизнинг ниҳоятда серкирра эканлигини англайди.

Миллий ва умуминсоний қадриятлар санъатнинг барча турларидан, хусусан, миллий рақсда акс этиши, шаклланиши ҳамда такомиллашиб бориши ўзига хос тарихий жараён ҳисобланади. Санъатнинг умуминсоний ҳамда миллий қадриятларни акс эттиришдаги даражасини баҳолаш ва илмий жиҳатдан асослаш масалаларига кенг эътибор берилаётганлиги тўғрисида замонавий билимларни ўзлаштиришнинг янги шакллари, инновацион дастурлари устида кизгин изланиш олиб борилмоқда. Бу борада Ўзбекистон халқ артисти, «Меҳнат шухрати», «Эл-юрт хурмати» орденлари, «Олтин меҳнат», «Маънавият фидойиси», I-даражали «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишонлари совриндори, моҳир раққоса - балетмейстер, атоқли санъаткор - санъатшунос, этнограф олим, ўзбек миллий рақс санъатининг катта тадқиқотчиси ва тарғиботчиси, Ўзбекистон давлат хореография академияси Урганч филиали профессори Гаваҳархоним Матёқубованинг илмий мактабини ибрат сифатида таъкидлашни хоҳлардик.

Қолаверса, Ўзбекистон давлат хореография академияси профессор-ўқитувчилари томонидан яратилган, ўзбек, инглиз, ҳинд, араб, индонез тилларида Америкада, Хиндистонда, Индонезияда, Мисрда чоп этилган «Хоразм «Лазги» рақси: тарихи ва таъсири», «Лазги» - Хоразм санъати дурдонаси», «Лазги» - муҳаббат ва қалб рақси» каби монографияларда ушбу санъат дурдонасининг сифатлари, инсоният тамаддунидаги ўрни очиб берилган. Бу асарлар, «Лазги» нафақат гўзал санъат, балки илм, тафаккур сифатида ҳам катта шухрат қозонаётганини, дунё олимларининг эътиборини тортаётганининг исботидир.

Тадқиқотларнинг натижалари Туркия, Хиндистон, Миср, Таиланд, Индонезия, Қозғистон, Россия, Озарбайжон давлатларида ўтган халқаро илмий-амалий конференцияларда тарихчи, санъатшунос олимлар хукмига ҳавола қилинди.

Қолаверса, фестивал арафасида дунё олим ва санъатшунослари, тарихчилар, ёш тадқиқотчилар томонидан Хоразм «Лазги»сига оид уч юздан ортқиқ иш келиб тушгани ҳам ўзбек миллий маданиятига, санъатига бўлган ҳурмат эътибор белгисидир.

Ҳа, шундай, Хоразм «Лазги»си дилларни, элларни яқинлаштирмоқда. Миллатлараро дўстлик ришталарини мустақкамлашга, миллий қадриятларимизни улғулашга хизмат қилмоқда.

Шухрат ТЎХТАСИМОВ, Ўзбекистон давлат хореография академияси ректори, профессор.

Хулқар ХАМРОЕВА, Ўзбекистон давлат хореография академияси доценти, филология фанлари доктори

СЎЗ ҲАҚИДА СЎЗ

2022 йили «Бобосўз изидан» китобининг тўлдирилган, қайта нашри чоп этилган, ўзимда қаттиқ толиқиш сездим ва энди бу машаққатли иш билан шуғулланмайман деб менга кўп қадрдон бўлиб кетган лугатлар ва эски китобларни йиғиштириб «сандиққа солиб» қўйдим. Сўз билан ишлаш қанчалик мароқли бўлмасин, барбир толиқар экансан-да, Чунки баъзида биттагина сўзнинг илдизини кўриш учун 10-15та китобни татишга тўғри келади. Бунинг устига ўта синчков диққат зарур. Хуллас, бу қийин иш. Шунинг учун ҳам Владимир Даль бир вақтлар «Ўлимга ҳукм қилинганларни ўлдириб юбормаслик керак, уларни лугат тузишда ишлатиш керак» деган. Ушбу қароримдан сўнг бир ярим йил давомида сеvimли ишимдан узоқда бўлдим, қадрдон китобларим билан ошначиликни узиб қўйдим. Лекин... Кейинроқ ичимда сокин бир совинччи ҳис қилдим. Мени аста-аста яхши кўрган ишимнинг ҳумори тутаётган эди. Яна қадимий сўзлар, қадимий китоблар сари йўл олдим. Сўнг кўпдан бери йўқотган нарсамни топиб олгандай суюндим. Шу кунларда деярли ҳар кун сўзлар билан ишляпман. Сўз инсоният ҳаётидаги варойиб мўъжиза, кўп сирларни ўзида яшириб туради.

Яхшиси, гапни кўпайтирмамдан, кейинги вақтларда, аниқроғи, шу кунларда сўзлар билан сўзлашиб ўтириб, нималарни топганимни сизларга ҳавола қилай. Бу топилмалар менга жуда қизиқ, умид қиламанки, сизларга ҳам қизиқ бўлади.



Кўпик устидаги кўприк Бундан узок изох бериб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Ҳамма танийдиган, ҳамма ишлатадиган сўзлар. Хўш, уларнинг бир-бирига қариндошлиги борми? Ё ака-укадай уйкаш бу сўзлар шунчаки шаклдоши? Айнаиса, «кўпик ҳосил қилиш» маъносидagi кўприк феъли кўприк сўзига янада уйғун келади.

Аввало, бу икки сўз илдизидagi кўп сўзига тўхталайлик. Туркий тиллар этимологик лугатида кўп сўзи «пуфлаш», «шиш», «кўтарил» маъноларини англатади деб изоҳланган. Кўприк, кўпик, кўприк сўзларининг ўзигада шу кўп сўзи ётади. Яна бир гап, ўтмишда шиширилган мешлар ва саночларни бир-бирига боғлаб дарёга кўприк қилиб ўтиш ҳоллари бўлган.

Яна бир жиҳатга эътибор қилиш керак. «Ат-тухфа лугати»да идишдаги сўт қаймоғи кўпик деб аталган ҳақида ёзилган. Эътибор қилсангиз, қаймоқ ҳам суюқ сутнинг узасида бўлади. Кўпик ҳам фақат сув устида бўлади. Кўприк ҳам шундай.

Кўп сўзи туваликлар тилида «кўприк», «пол қопламаси», қалмоқлар тилида «эгар ёстиғи» маъносини англатади. Махмуд Қошғарийда эгар устига кийгизиладиган ёпинч «кўпчук» сўзида ифодаланган.

Негадир «Алишер Навоий асарлари тили лугати»нинг икки нашрида ҳам қадимий кўпик сўзини учратмадим. Кўприк сўзи бор: «Ул дедиким, жамоатки, дарёдин кўприк била нори юзга тутубурлар, чун кўприк бирдур». («Тарихи мулуки аям»).

«Бақраймоқ» сўзининг «бақ» сўзига алоқаси борми?

Бақраймоқ, бақрайди сўзига «Ўзбек тилининг изоҳли лугати»да: «Хайрат ва таажжубдан, кўркув ёки ғазабдан кўзларини катта очиб, чакчайиб қарамоқ» деб изоҳ берилган. Бир қарашда, бақрайиб қарашни бақа қараш деб ҳам тушуниш мумкин. Чунки тилимизда қаттиқ хайратланишни билдирадиган «бақа бўлиб қолдим» деган ибора ҳам бор. Асли шундаймикин? Ушбу иборадан «бақа ёки қурбақа бўлиб қолдим» деган мазмун чиқадими?

Бу ерда бақа сўзи бошқа маънода келган. «Ат-тухфа» лугатида «бақа қолди» деган бирикма «хайрон қолди» маъносини англатиши ҳақида айтилган: бақа қалди - хайрон қолди; бақа қалдирди - хайрон қолдирди.

Хозирги тилимизда хайратланиш маъносидagi бақа қалди деган гап йўқ. Лекин бу сўз бақрайди феълнинг томирқасида яширинибгина яшаб юрибди. «Ўзбек тилининг этимологик лугати»да «бақрай» сўзининг туб илдизи «синчовлик билан қара» маъносидagi бақ феълдан деб изоҳланган.

«Ўт-ўлан»даги ўлан нима?

Ўт-ўлан сўзини кўп қўлаймиш. Лекин бу бирикмадаги ўлан нима эканини билмаймиш. Қадимги тилимизда хўл сўзи ўл(о) шаклида, «х» сиз қўлланган, ол кейин хўл бўлиб кетган. Хозирги тилимизда хўл сўзининг асл кўриниши ўл фақат ўлан сўзида сақланиб қолган. «Туркий тиллар этимологик лугати»га қўра, ўлан сўзи «яшил ўт» ва «ўтлоқ» маъносини билдирган. Сер-

сув, ёш, хўл ўтларни ўлан дейишган. Ўлан айтишдаги ўлан сўзи бошқа мазмунда. Менимча, айтишув пайти гапни гапга улаб кетиш маъносидa ўлан (улан) дейишган бўлса керак.

Алишер Навоий ўлан сўзини ўланг шаклида, «ўт ва гиёҳ» маъносидa ҳам, «ашула» маъносидa ҳам қўллаган: Вале сувлар бўлуб ойина оҳанг, Уланга айлаб аён ул кўзгуда занг. («Фарҳод ва Ширин» дostonидан). Дашт узра ўланг сўнгича кетқай, То мақсаду манзилга етқай. («Лайли ва Мажнун» дostonидан).

Бу ерда биринчи мисолдаги ўланг - ўт, гиёҳ, иккинчи мисолдаги ўланг - ашула мазмунида келаяпти.

Қошғарий ўлнинг хўлга айланишини диалектал ҳодиса деб айтган. Тилимиздаги ҳоуч сўзи асли овуч дейилган. Хозирги хўкиз сўзининг асли ҳам бўкиз(укиз) бўлган. Гарчи, ўт-ўланга хўкизни оралатиб юбориш ноҳожиз туюлса-да, гап келганда хўкиз ҳақида ҳам икки оғиз сўз айтиб ўтсак. Бу сўзнинг бугунги «хўкиз» маъносидан ташқари қадимда «чўл одами», «тўғрисўз, чиққўнгил киши» маъносидa ҳам қўлланган. Лекин бунинг акси ўлароқ, кўпол, аҳмоқ, бетарбия одами ҳам хўкиз дейишган ва айнаи сифат хозиргача халқ орасида сақланиб қолган.

Отнинг майкаси - терлик Отнинг танасидан чиққан терни ўтказмаслик учун эгар остидан қўйиладиган қалин наमत ёпинғични тилимизда терги дейишган. Терги қадимий сўз. Унинг шева-ларда чирги шакли ҳам бор.

Махмуд Қошғарийда бу сўз терлик шаклида келди ва шундай изоҳланди: тэрлик-жазлик, эгар остидан

қўйиладиган наमत. Демак терги ёки терлик отнинг майкаси экан-да.

Тилимизга рус тилидан кирган эркакларнинг ички кийимини билдирадиган майка сўзининг ўзбекчасини топишга қийналамиз. Ҳамма бир овоздан майка дейди. Ўзбек тилида бу сўзни ифодалайдиган бирор сўзни топиб беринг десангиз, жавоб ололмайсиз. Аслида тери, терлик сўзлари майка ўрнида бе-малол қўллansa бўлади. Чунки майка ҳам бадандаги терни устки кийимларга ўтказмайди.

Воронканин ўзбекчаси нима?

Мен тилимизга рус тилидан кирган воронка сўзининг ўзбекчасини топишга қийналардим. Воронка сўзи хатто «Ўзбек тилининг изоҳли лугати»га ҳам кирган: «ичи тешик нарсa, найча» деб изоҳланган. «Ичи тешик нарсa» дегани аниқ бир нарсани ифодаловчи сўз эмас, яъни от эмас. Найча эса, воронканин моҳиятини ифода-лаб беролмайди. Чунки найча бошқа нарсa. Шунинг учунми, салкам юз йил-лик тил тарихида бу идиш катта шаҳар-ларимиздан чекка-чекка кийикла-ринмизгача воронка деб атаб келинди. Бомба ёки замбарканин ўқи портлаган жойда ҳосил бўлган чуқурликни ҳам воронка дейишган.

Холбуки, воронка сўзининг мукобили қадимги тилимизда бўлган. Қаюм Қаримовнинг «Қадимги туркий тили лугати» китобида алул (ангут) сўзига шундай изоҳ берилади: Алул - май ва суюқликларни қуйишда қўлланадиган, асбоб, идиш, воронка, лейка.

Махмуд Қошғарий «Девони»нинг 1-томидa «Юрт кичи болса анут бэдк ур - Идиш оғзи кичик бўлса, катта воронка қўй» деган мақолни келтиради ва бу мақол кичик ишни катта қилиб кўрсатадиган кишига нисбатан қўлланади, деб изоҳланган.

Эшқобил ШУКУР, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими

MYACCCIS: O'zbekiston kasaba uyushmalar Federatsiyasi logo and ISSN information.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati:

- Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Shuhrab RAFIQOV, Shoqsim SHOILOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari).

Mehrididdin SHUKUROV (Mas'ul kotib - «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib - «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir Husn ERMATOV

Bo'limlar: Kasaba uyushmalar hayoti - (71) 256-64-69, Huquq va xalqaro hayot - (71) 256-52-89, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport - (71) 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash - (71) 256-85-43, Marketing va obuna - (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

- Qorag'olpoq'iston Respublikasi - (+998-99) 889-98-20, Andijon viloyati - (+998-99) 889-90-23, Buxoro viloyati - (+998-99) 080-93-38, Jizzax viloyati - (+998-99) 889-90-34, Namangan viloyati - (+998-99) 889-98-02, Samarqand viloyati - (+998-99) 889-90-26, Sirdaryo viloyati - (+998-99) 889-98-55, Surxondaryo viloyati - (+998-99) 379-19-70, Toshkent viloyati - (+998-99) 600-40-44, Farg'ona viloyati - (+998-99) 889-90-24, Xorazm viloyati - (+998-99) 889-98-01, Qashqadaryo viloyati - (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir: S. Abdurahmonov

Mudohibillar: U. Xudoyberganova, D. Ravshanova

Sahifalovchi: H. Abdullajilov

Bosishga topshirish vaqti - 23:50, Topshirildi - 00:20

Bahosi kelishilgan narxda Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxorokochasi, 24-uy. E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Nashr ko'rsatkichi: 133

Umumiy adadi 35 129 ta Shundan: 7 394 nusxasi

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi - Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

19 249 nusxasi «Erudi» MCHJ bosmaxonasi - Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

8 486 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi - Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma 362